



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMINING QARORI

Navoiysh., IslomKarimovsh.k 77 A

2022 - yil 5 - oktabr

196-5-0-Q/22

Navoiy viloyat hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Вилоятда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Шаҳар, туман ҳокимлари, худудларнинг секторлари раҳбарлари, вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-куватлаш бошқармаси, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, оила ва хотин-қизлар бошқармаси манфаатдор корхона ва ташкилотлар билан биргаликда куз-киш мавсумига тайёргарлик ишларини қуидагилардан бошласин:

вилоят аҳолисини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куватлаш учун барча худудларда мақбул нархларда озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил этиш;

“Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган оилаларга кўмир, суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш ҳамда болаларни иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш;

олис ва бориши қийин бўлган ҳудудларда ҳамда табиий оғатлар оқибатида йўллар талофат кўриши эҳтимоли мавжуд қишлоқ (овул)ларга кўмир ва суюлтирилган газни етказиб бериш ҳамда камида 15-20 кунга етадиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш.

3. Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошқармаси молия бош бошқармаси, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-5152-сон қарорида кўзда тутилган кўп квартирали уйлар атрофидаги умумфойдаланишдаги ҳожатхоналарни яхшилаш тадбирларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан қуидагилар:

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали турар жой фондини куз-қиши мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш ишларининг йиғма параметрлари;

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали турар жой фондини куз-қиши мавсумига тайёрлаш учун йўналтириладиган маблағлар ва уларнинг манбалари;

Кўп квартирали турар жой фондини мукаммал таъмирлаш параметрлари;

ҳудудларда кўп квартирали уйлар атрофидаги умумфойдаланишдаги ҳожатхоналарни талаб даражасида бўлмаган кўп квартирали уйларнинг санитария-гигиеник ҳолатларини яхшилаш параметрлари;

Иссиқлик таъминоти обьектлари ва ускуналарини куз-қиши мавсумига тайёрлаш параметрлари;

Ичимлик сув таъминоти обьектлари ва ускуналарини куз-қиши мавсумига тайёрлаш параметрлари;

Электр тармоқлари ва қурилмаларини куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлаш параметрлари;

Газ таъминоти объектлари ва қурилмаларини куз-қиши мавсумига тайёрлаш параметрлари;

Куз-қиши мавсумида аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш параметрлари;

Куз-қиши мавсуми учун қўмири маҳсулотлари захирасини яратиш параметрлари;

Ижтимоий соҳа объектларига куз-қиши мавсуми учун қўмири маҳсулотлари етказиб бериш параметрлари;

Олис ва бориши қийин бўлган қишлоқ (овул)ларда қўмири, суюлтирилган газни етказиб бериш ва захирасини яратиш параметрлари;

Ижтимоий соҳа объектларини мукаммал ва жорий таъмирлаш параметрлари;

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси таркиби тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси (кейинги ўринларда - Вилоят комиссияси) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

6. Вилоят комиссияси (Бобомуродов) Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича қўйидаги ўрнатилган тартибга қатъий амал қилинишини таъминласин:

бир ҳафта муддатда шаҳар, туманларда Республика ва вилоят комиссияси таркибига киритилган корхона ва ташкилотларнинг худудий органлари раҳбарларидан иборат туман (шаҳар) ишчи гуруҳлар ташкил этсин ва улар томонидан амалга ошириладиган ишларни маҳаллалар кесимида белгилаб бериш;

ҳар бир туман ва шаҳарда аҳолининг мурожаатларини қабул қилиш ва уларнинг тезкор кўриб чиқилишини таъминлаш бўйича туну-кун ишлайдиган алоқа тизимини ишга тушириш;

ҳар бир туман ва шаҳарлардаги маҳаллаларда халқ билан мулокот тарзида ўтказиладиган учрашувларда мазкур қарор билан куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талафотсиз ўтказиш бўйича белгилаб берилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан аҳолига ҳисобот бериб бориш тизимини йўлга кўйиш;

жойларда куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталофат ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Республика штабига кунлик маълумот тақдим қилиш.

Туман (шаҳар) ҳокимлари ва ҳудудий ишчи гурухлар аъзоларига қишлоқ аҳоли пунктлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича белгиланган параметрлар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Атамурадов, Махмудалиев), вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси вилоятда 2022/2023 йиллар қиши-баҳор мавсумига ғамланадиган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш жойлари рўйхатини (дислокациясини) тасдиқласин ҳамда уларни ғамлаш параметрларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Вилоят ҳокими ўринбосари (Душанов) бир ҳафта муддатда алоҳида ишчи гурух тузган ҳолда вилоятда, айниқса, қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий соҳа обьектларини куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасидаги ишларнинг ҳолатини ўргансин ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят комиссиясига таклиф киритсин.

9. Вилоят молия бош бошқармаси (Очилов)га шаҳар, туман ҳокимлари томонидан тақдим этилган асосли ҳисоб-китобларга мувофиқ ижтимоий соҳа обьектларида куз-қиши мавсуми учун кўмир маҳсулотларига ҳақиқий талабдан келиб чиқиб зарур маблағлар ажратиш чораларини кўрсин.

10. Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали, “Навоий ҲЭТК” АЖ, “Навоийнефтъбазаси” МЧЖ, “Навоий кўмир етказувчи” филиали, шаҳар, туман ҳокимликлари масъул хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

электр ва табиий газ қурилмаларини таъмирлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ёқилғи ресурсларини узлуксиз етказиб бериш чораларини

кўрсин;

ахолига, ижтимоий соҳа обьектларига, бошқа тоифадаги истеъмолчиларга зарур миқдорларда энергетика ресурсларини етказиб бериш бўйича мунтазам равишда “маҳаллабай” тизимида ўрганишлар олиб бориб, ажратилган ресурсларни етказиб бериш чораларини кўрсин.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Атамурадов, Бобомуродов), туман (шаҳар) ҳокимликлари:

Вилоят молия бош бошқармаси (Очилов) билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори 5-иловасидаги белгиланган тадбирларнинг лойиха-қидирув ишлари ҳаражатларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 2022 йил 1 ноябрга қадар молиялаштирун;

куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талафотсиз ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Республика комиссиясига ҳафталик маълумот тақдим этиб борсин;

куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талафотсиз ўтказиш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисбот бериб борсин ҳамда маҳаллий телевидениеларда ҳар ойда “очик мулоқот” ҳамда брифинглар ўтказиб борилишини таъминласин.

12. Қуйидагиларга:

вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари ва секторлар раҳбарлари зиммасига - иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича параметрлар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси вилоят ҳудудий филиалига - кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиши даврига тайёрлаш, жумладан, уларни таъмирлаш ва ички муҳандислик-коммуникация тармоқларини соз ҳолатга келтириш билан боғлиқ ишларнинг сифатли ташкил этилишини назорат қилиш;

Ўзбекистан Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси вилоят ҳудудий филиалига — ичимлик суви таъминоти ва оқова сув обьектларини куз-қиши даврига тайёрлаш ишларининг пухта ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси вилоят худудий бошқармасига - ижтимоий соҳа объектларидағи иситиш қозонлари ва уларнинг иссиқлик таъминоти тизимини қуз-қиши даврига тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланишини ташкил этиш ишларининг хавфсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш;

“Ўзнефтгазинспекция” ва “Ўзэнергоинспекция” вилоят бўлимига - куз-қиши даврида аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газни узлуксиз етказиб бериш бўйича белгиланган параметрларнинг бажарилишини ҳамда истеъмолчилар томонидан энергия ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланишини назорат қилиш;

вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасига - қўп квартирали уйларни куз-қиши даврига тайёрлаш жараёнида дудбўронлар ва вентиляция тизимларини таъмирлаш, изоляция қилиш ҳамда тозалаш ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини назорат қилиш юзасидан жавобгарлик юклансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Бобомуродов, вилоят уй-жой коммунал хизмат қўрсатиши бошқармаси бошлиғи Н.Жуманиёзов зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими в.б.



Н.Турсунов

Navoiy viloyat hokimining
2022 yil 5 oktabrdagi
196-5-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси

ТАРКИБИ

Б.Бобомуродов	-	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси
Н.Жуманиёзов	-	Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари
К.Нурмуродов	-	Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари
Д.Очилов	-	Вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи
Х.Пардаев	-	Вилоят марказий банки бош бошқармаси бошлиғи
А.Ниёзов	-	Вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
З.Расулов	-	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
М.Шамуратов	-	Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи
У.Тиллаев	-	Вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи
Н.Улуғбердиев	-	Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси бошлиғи
Н.Ниязов	-	Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи
О.Рахмонов	-	Вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
Б.Собиров	-	НДПИ ректори
Б.Мардонов	-	Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ректори
Ш.Набиев	-	Вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-куватлаш бошқармаси бошлиғи
Б.Пулатов	-	Вилоят ФВБ бошлиғи
Х.Бақоев	-	Вилоят экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи в.б
А.Нуруллаев	-	Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Навоий худудий бошқармаси бошлиғи
Б.Шомуродов	-	“Ўзэнергоназорат” вилоят худудий бўлими бошлиғи
Ф.Махмудов	-	“Ўзнефтгазинспекция” вилоят худудий бўлими бошлиғи
С.Амонов	-	Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси худудий бўлими инспектори
Н.Гаффоров	-	“Худудгиз Навоий” газ таъминоти филиали бошлиғи
Б.Исломов	-	“Навоий ҲЭТК” АЖ бош директори
Ф.Нематов	-	“Навоий кўмир етказувчи” филиали бошлиғи
О.Ҳасанов	-	“Навоийнефтьбазаси” МЧЖ бошлиғи

О.Зарипов	-	“Навоий сувтъминоти” МЧЖ директори
А.Файзиев	-	“Навоий ИЭС” АЖ бош директори
Б.Улугназаров	-	Вилоят “Иссиқлик манабай” ДУК директори
Т.Примов	-	Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, комиссия котиби

Изоҳ: Вилоят комиссияси аъзолари бошика ишига ўтган тақдирда уларнинг ўрнига янгидан тайинланган ёки тегишили функцияларни бажарии юкланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.